

А Ж Р И М

(жиноят ишнн ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2022 йил 21 январь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, Олмазор тумани “Ғани Азамов” МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Неъматов котиблигида, тарафлардан Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Солихов, адвокат О.Зупаров, гумон қилинувчи Д.Дусметов, жабрланувчи С.Кахаров иштирокида, Дусметов Дилшод Исламовичга оид 1-1008-2202/136-сонли ярашув тўғрисидаги иш кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Дусметов Дилшод Исламович (Dusmetov Dilshod Islamovich), 1988 йил 27 август куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилалик, уч нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар Олмазор тумани М.Сағдиев кўчаси 16-уйда яшовчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Д.Дусметов 2021 йил 22 октябрь куни соат тахминан 17:10ларда, бошқарувидаги давлат рақами 01 В 985 LV бўлган Спарк русумли автоуловида Тошкент шаҳар, Олмазор туманида жойлашган Узумбоғ кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келиб, шу кўчада жойлашган 8Б-уй қаршисига етган вақтида, Йўл ҳаракати қоидаларининг 4-банди, 11-банди “г” қисми ва 77-банди 3-қисми талабларига амал қилмасдан, унинг ҳаракат бўлагиди ҳаракатсиз тўхтаб турган пиёда С.Кахаровни уриб юборган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2021 йил 23 ноябрь кунидиги №7568-Х-Раж-сонли хулосасига кўра, С.Кахаров мазкур йўл-транспорт ходисаси натижасида олган жароҳати оғирлик даражасига кўра ОҒИР тан жарҳати эканлиги ҳақида баён қилинган.

Д.Дусметов дастлабки тергов органига ариза билан мурожаат қилиб, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, жабрланувчига етказилган барча моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлигини ҳамда С.Кахаров билан ярашганлигини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод этишликни сўраган.

Жабрланувчи С.Кахаров дастлабки тергов органига ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчи Д.Дусметов етказилган зарарни тўлиқ



қоплаб, кечирим сўрагани, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан ярашгани сабабли Д.Дусметовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраган.

Судда гумон қилинувчи Д.Дусметов, қилмишига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, у билан ўзаро ярашганини билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда жабрланувчи С.Кахаров гумон қилинувчи Д.Дусметов ундан кечирим сўрагани, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, гумонланувчи билан ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, Д.Дусметовга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси тўртинчи қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра суд, гумон қилинувчи Д.Дусметовга оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 582-583, 585-586-моддаларига қўлланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумон қилинувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган **Дусметов Дилшод Исламович** (Dusmetov Dilshod Islamovich)га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози томонлар 20 (йигирма) кун ичида хусусий тартибда шикоят ва протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Содиқов

